

3. *Tursunov B. O. Hududiy iqtisodiyot va mintaqaviy rivojlanish. Toshkent: Fan va texnologiya, 2021. – 300 b.*
4. *Lusardi A., Mitchell O. S. The Economic Importance of Financial Literacy: Theory and Evidence. Journal of Economic Literature, 2014.*
5. *OECD. Financial Literacy and Financial Education: Principles and Practice. Paris: OECD Publishing, 2018.*
6. *International Monetary Fund (IMF). Fiscal Policy and Inclusive Growth. Washington DC, 2020.*
7. *O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi. Davlat byudjeti to'g'risidagi hisobot materiallari. Toshkent, turli yillar.*
8. *O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki. Aholining moliyaviy savodxonligini oshirish strategiyasi materiallari. Toshkent, 2021.*
9. *Stiglitz J. E. Economics of the Public Sector. New York: W.W. Norton & Company, 2015.*
10. *Musgrave R., Musgrave P. Public Finance in Theory and Practice. New York: McGraw-Hill, 1989.*

## **АҲОЛИНИНГ МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Мейлиев Обир Рахматуллаевич**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Иқтисод фанлари доктори, профессор*

Глобаллашув ва рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий қарорларнинг мураккаблашуви аҳолидан юқори даражадаги молиявий билим ва кўникмаларни талаб этмоқда. Жаҳон тажрибасида молиявий саводхонлик шахсий фаровонлик, молиявий барқарорлик ва миллий иқтисодиётнинг узоқ муддатли ўсишини таъминловчи муҳим омил сифатида қаралади. Хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан молиявий саводхонлик “шахснинг молиявий қарорлар қабул қилиш жараёнида билим, кўникма ва муносабатлар мажмуаси” сифатида таърифланади. Мамлакатда аҳоли молиявий саводхонлиги даражасининг юқори бўлиши молиявий хизматлар соҳасининг ҳам жадал ривожланишига сабаб бўлади. Молиявий хизматларни омалаштириш орқали аҳолининг бу борадаги билимларини мустақамлаш ва кичик бизнес субъектларининг бундай хизматларга бўлган талабини ошириш имкони пайдо бўлади.

"Молиявий саводхонлик - бу шахсий молиявий фаровонликка эришиш учун асосли молиявий қарорлар қабул қилиш имконини берувчи хабардорлик, билим, кўникма, қадриятлар (хаётий йўналишлар) ва хулқ-атвор каби элементларнинг мажмуи" дир.

Яна бир жиҳатни таъкидлаш керак — молиявий саводхонликнинг асосида инсон туради, зеро мазкур жараёни амалга оширишдан асосий мақсад ҳам унинг фаровонлиги ва ҳаёт сифатини ошириш ҳисобланади. Бироқ, бунинг учун у ўз ихтиёридаги иқтисодий ресурслардан, рўй бериши мумкин бўлган воқеа ва ҳодисалар, вужудга келиши мумкин бўлган шарт-шароитлардан ўзи ҳамда жамият учун манфаатли ва самарали асосда фойдаланиш борасида етарли билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим. Шунингдек, жамиятда таркиб топган кадриятлар тизими ҳам ушбу мақсадлар билан ўзаро мувофиқ келиши зарур. Энг муҳими, ҳар бир шахс қайд этиб ўтилган восита ва дастаклардан фойдаланган ҳолда қисқа муддатли қарорлар қабул қилиш ҳамда узоқ муддатли молиявий режалаштириш жараёнини тўғри ташкил этиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Аҳоли молиявий саводхонлигининг ижтимоий аҳамияти ҳам бор. Чунки, алоҳида шахснинг молия борасидаги билим ва кўникмалари пировардида бутун жамият иқтисодий ҳаётининг муваффақияти ва барқарорлигини белгилаб беради. Аҳолининг молиявий жиҳатдан саводсизлиги нафақат шахсий фаровонликка, балки бутун молиявий соҳага салбий таъсир кўрсатади. Масалан, фуқароларнинг ўз даромадлари ва харажатларини аниқ тасаввур қилмаслиги ёки нотўғри режалаштириши оқибатида кредиторлик қарздорлик пайдо бўлади, молиявий пирамидалар ва фирибгарликлар сонининг ошишига олиб келади.

Албатта, шахснинг молиявий саводхонлик даражасининг шаклланганлиги, бир неча омилларга, хусусан, шахснинг ёши, айрим ҳолларда ҳаттоки жинси ва ундан келиб чиққан ҳолда ҳаётий тажрибаси, маълумот даражаси, касбий фаолият йўналиши, иқтисодий фаоллик даражаси ҳамда дунёқараши ва қизиқишларига ҳам боғлиқ.

Молиявий саводхонлик мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Бироқ, бу мазкур муаммо ривожланган мамлакатларда тугал ҳал этилган, деган маънони англатмайди.

Ўзбекистонда молиявий саводхонликни ривожлантириш борасидаги қуйидаги муаммоларни келтириш ўринлидир:

- аҳолининг айрим қатламларида молиявий билим даражасининг пастлиги;

- қишлоқ ҳудудларида молиявий хизматлар қамровининг чекланганлиги;

- инвестиция инструментлари бўйича ахборот танқислиги, аҳолининг инвестиция фаоллиги етарли эмаслиги;

- мамлакатда рақамли молиявий саводхонликнинг паст даражаси;

- даромад ва харажатни режалаштириш одатлари кенг тарқалмаганлиги;

- масофавий молиявий хизматлар бўйича аҳолининг билим ва кўникмалари камлиги.

Ўзбекистонда ҳам аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари ва таълим ташкилотларининг лойиҳалари амалга оширилган ва ошириб келинмоқда. Бироқ, тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бу ишларни тизимли амалга ошириш, аҳолининг молиявий саводхонлигининг уларнинг ёши, яшаш жойи ва ҳаттоки менталитету-қадриятларига ҳам боғланган ҳолда ўргатиб борилиши муҳимроқ. Акс ҳолда, харажатини даромадига қараб белгиламайдиган, қарз ва кредитлар гирдобига ботиб қолган, оддий молиявий хизматлардан фойдаланишда ҳам бировларнинг ёрдамига муҳтож, фирибгарлар бемалол алдаб кета оладиган, қисқаси “молиявий саводсиз” қатламни камайтириш имкони чекланади.

### 1-жадвал

#### Аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш йўналишлари<sup>127</sup>

Кўрсаткич	Ривожланган давлатлар	Ривожланаётган давлатлар	Ўзбекистон учун тавсия
Таълим	Мажбурий фан	Интеграциялашган модул	Барча босқичларда жорий этиш
Инвестиция маданияти	Юқори	Ўртача	Қимматли қоғозлар таълими
Рақамли молия	Кенг ривожланган	Тез ривожланмоқда	Молиявий технолигиялар билан интеграция
Миллий стратегия	Мавжуд	Қабул қилинган	Комплекс миллий стратегия

Сўнгги йилларда мактаб ва олий таълим муассасаларида молиявий билимлар элементлари жорий этилган бўлса-да, аҳолининг катта қисми шахсий молияни режалаштириш, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ва инвестиция инструментларини танлашда етарли билимга эга эмас.

Юқоридаги муаммолар ўзаро боғлиқ бўлиб, улар иқтисодиётда яширин айланмани сақлаб қолиш, банк ресурсларининг чекланганлиги ва инвестиция муҳитининг етарлича фаол эмаслигига сабаб бўлмоқда.

Молиявий саводхонликни ривожлантириш инсон капитали сифатини ошириш, фискал барқарорликни мустаҳкамлаш ва молия бозорларини чуқурлаштиришнинг стратегик омили ҳисобланади.

Мамлакатда аҳоли саводхонлигини ошириш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

✚ Молиявий саводхонликни ривожлантириш бўйича 5–7 йиллик Миллий стратегия қабул қилиш.

✚ Мактаб ва ОТМларда “Шахсий молия ва инвестиция асослари” фанини босқичма-босқич мажбурий тарзда жорий этиш.

✚ “Digital Finance Skills” миллий платформасини ишга тушириш.

<sup>127</sup> Муаллиф ишланмаси

✚ Жисмоний шахслар учун содалаштирилган интерактив солиқ калькуляторлари ва видео-гидлар ишлаб чиқиш.

✚ Кичик инвестиция инструментларини оммалаштириш (микрооблигациялар, давлат қимматли қоғозлари).

✚ Қишлоқ жойларда молиявий инклюзияни кенгайтириш.

Молиявий саводхонликни оширишни давлат сиёсати даражасида узоқ муддатли стратегия сифатида кўриб чиқиш, таълим тизими, банк сектори ва солиқ органлари ўртасидаги институционал ҳамкорликни кучайтириш зарур.

## **ВЛИЯНИЕ ГОСУДАРСТВЕННЫХ РАСХОДОВ, ГОСУДАРСТВЕННОГО ДОЛГА И ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА НА БЮДЖЕТНЫЙ БАЛАНС**

***Рахимова Мадина Дониёровна***

*Научно-исследовательский центр «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» при Ташкентском Государственном Экономическом Университете*

***Аннотация.*** *Статья анализирует влияние государственных расходов, государственного долга и роста ВВП на бюджетный баланс (2000-2025). Регрессионный анализ показал, что государственный долг оказывает значительное отрицательное влияние, расходы - пограничное отрицательное, рост ВВП - положительное, но статистически незначимое. Результаты подчеркивают важность контроля долга и рационализации расходов для фискальной устойчивости.*

***Ключевые слова:*** *бюджетная политика, бюджетный баланс, государственный долг, государственные расходы, экономический рост, фискальная устойчивость.*

Бюджетная политика представляет собой систему мер государства по формированию и использованию бюджетных ресурсов с целью регулирования социально-экономического развития страны. Она реализуется через механизмы государственного бюджета, налогообложения, государственных расходов, управления дефицитом и государственным долгом. Эффективность бюджетной политики во многом определяет устойчивость государственных финансов, уровень макроэкономической стабильности и долгосрочные перспективы экономического роста. В современных условиях усиливающейся глобальной неопределённости, циклических экономических колебаний и роста долговой нагрузки особую актуальность приобретает проблема обеспечения сбалансированности бюджета. Бюджетный баланс выступает ключевым индикатором состояния государственных финансов, отражая